

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРҒАНЧ ФИЛИАЛИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 616-001.17-085.355:577.152.34-092.9

РАЖАПОВ АДИБЕК АНВАРБЕКОВИЧ
КАРИМОВ РАСУЛБЕК ХАСАНОВИЧ

ТАЖРИБАВИЙ ТЕРМИК КУЙИШЛАРДА ИММУН ТИЗИМЛАРИНИНГ
МОРФОФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

(Монография)

Урганч-2025

Тузувчилар:

Ражапов Адилбек Анварбекович – Хоразм вилояти патологик анатомия бюроси бошлиғи (PhD).

Каримов Расулбек Хасанович – Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали (PhD), доцент.

Такризчилар:

Рузибаев Рашид Юсупович – Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали “Нефралогия, гемодиализ, травматология ва ортопедия” кафедраси мудири т.ф.д., доцент.

Юлдашев Бахром Сабиржаневич – Хоразм вилоят Маъмун университети Халқаро алоқалар бўйича проректор т.ф.д., доцент.

Ушбу монографияда Жаҳонда тажрибавий термик куйишда иммун тизимининг морфофункционал тавсифини баҳолаш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга ошириш, куйиш касаллигини ташхислаш ва даволашда замонавий технологияларни қўллаш, даволашни самарали усуллари ишлаб чиқиш, беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, куйиш касаллигини даволашда ҳужайравий технологиялар ва бошқа биологик қопламаларни қўллаш, бошқа даволаш усуллари билан комбинациялаш, даволаш самарадорлигини асослаш, куйиш касаллиги натижасида юзага келадиган асоратларни камайтириш алоҳида аҳамият касб этган.

Шунингдек, муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган ва тақдим этилган “Тажрибавий термик куйишларда иммун тизимларининг морфофункционал хусусиятлари” номли монография келгусида барча тиббиёт ОТМ талабалари, магистрлар, клиник ориданторлар ва шу соҳа шифокорлари учун фойдаланишда қўл келади.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАР МУҲОКАМАСИ. ТЕРМИК КУЙИШДА ИММУН СТАТУСНИНГ ЎЗИГА ХОС ЎЗГАРИШЛАРИ.....	11
§1.1. Термик куйишда патологик ўзгаришлар хусусияти.....	22
§1.2. Ўстирилган аллофибробластларнинг термик куйишда қўлланилиши.....	28
II БОБ. ТЕРМИК КУЙИШ ВА УНИ АЛЛОФИБРОБЛАСТ БИЛАН ДАВОЛАШ НАТИЖАЛАРИНИ БАҲОЛАШ УЧУН ФОЙДАЛАНИЛГАН МАТЕРИАЛ ВА УСУЛЛАР.....	35
§2.1. Тадқиқотнинг клиник материали ва усуллари.....	35
§2.2. Иммунологик текширув усуллари.....	36
III БОБ. ТЕРМИК КУЙИШ ДИНАМИКАСИДА ИММУН ТИЗИМ АЪЗОЛАРИДАГИ ПАТОМОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАР.....	40
IV БОБ. ТЕРМИК КУЙИШНИ АЛЛОФИБРОБЛАСТЛАР БИЛАН ДАВОЛАГАНДА ИММУН ТИЗИМ АЪЗОЛАРИДАГИ МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАР.....	59
V БОБ. ТЕРМИК КУЙИШДА КАЛАМУШЛАР ҚОНИ ИММУНОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ.....	72
VI БОБ. ТАЖРИБАВИЙ ТЕРМИК КУЙИШДА АЛЛОФИБРОБЛАСТЛАР ҚЎЛЛАНИЛИШИНИНГ ДИНАМИКАСИДА ҲАЙВОНЛАР ИММУНОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ.....	77
§6.1. Аллофибробластлар билан даволанган термик куйишда хайвонларнинг махсус реактивлиги кўрсаткичлари.....	84
ХОТИМА.....	88
ХУЛОСАЛАР.....	94
АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР.....	96
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	97
ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР ВА АТАМАЛАР.....	115

Мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Термик куйиш (ТК) жароҳатланишларнинг кенг тарқалган тури бўлиб, жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра (ЖССТ) «...барча жароҳатланишлар орасида учинчи ўринни эгаллайди ва ногиронликнинг асосий сабаби бўлиб, уни даволашда ҳам кўп вақт, ҳам кўп маблағ сарфланади...»¹. Бу турдаги жароҳатланишлар оғир кечганлигидан, организмда деярлик барча бошқарув тизимларни бузади, жумладан, иммун тизим фалажланади, натижада аксарият ҳолларда дисциркуляция, яллиғланиш, сепсис турдаги инфекция ривожланиб, кўпаъзо етишмаслигига олиб келади. Термик куйишда кузатиладиган «...кучли зарба, чуқур шикастланишлар, метаболик бузилишлар, эндокринопатия, эндоген захарланиш, аъзо ва тўқималарга оқсил ва энергиянинг етишмаслиги умумий ҳолда иммунобиологик ҳимоянинг заифланишига олиб келади...»². Организмнинг иммун тизими иш фаолиятини куйиш касаллигининг патогенезига боғлаш, иммун тизимнинг марказий ва периферик аъзоларида ривожланадиган патоморфологик ва функционал ўзгаришларни батафсил ёритиш, бу касалликнинг иммунодиагностикасини баҳолашда ва куйиш касаллигини даволаш муаммоларини ҳал этишда янги истиқболлар очишини кўрсатади.

Жаҳонда тажрибавий термик куйишда иммун тизимининг морфофункционал тавсифини баҳолаш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Куйиш касаллигини ташхислаш ва даволашда замонавий технологияларни қўллаш, даволашни самарали усуллари ишлаб чиқиш, беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, куйиш касаллигини даволашда хужайравий технологиялар ва бошқа биологик қопламаларни қўллаш, бошқа даволаш усуллари билан комбинациялаш, даволаш самарадорлигини асослаш, куйиш касаллиги натижасида юзага келадиган асоратларни камайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

¹ Глуткин, А.В. Применение коллагенсодержащих препаратов для лечения мозаичных термических ожогов кожи у детей раннего возраста // Материалы ежегодной итоговой научно-практической конференции «Актуальные проблемы медицины». – 2017. – С. 185-189.

² Алексеев А.А. Ожоги термические и химические. Ожоги солнечные. Ожоги дыхательных путей. // Клинические рекомендации. – Москва, 2017. – С. 10-12.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, куйиш касаллиги натижасида келиб чиқадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»³ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларнинг бажарилиши аҳоли орасида оғир даражали термик куйишни даволашда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали асоратларни ва ўлим даражасини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Оғир даражали термик куйиш энг оғир азоб-уқубатлар туркумига киришини ва унинг патогенетик занжири тананинг деярли барча ҳаётий тизимини қамраб олиши жараёнлари бир қатор олимлар томонидан ўрганилган. Узоқ хорижда олиб борилган тадқиқотлар ҳам термик куйиш

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

патогенези мураккаблигини ва унда барча аъзолар қатори, иммун тизимда ҳам сезиларли даражадаги ўзгаришлар ривожланиши тасдиқланган. (А.Д.Фаязов., 2003; И.В. Шлик ва ҳаммуалиф., 2005; С.Н. Хунафин ва ҳаммуалиф., 2005; М.Г. Крутиков., 2005; И.П. Назаров ва ҳаммуалиф., 2007; В.В. Иванов 2018). Термик куйишда терининг барча қатламлари шикастланади. Организмнинг термик куйишга жавоб реакцияси бир қатор ўзига хос бўлмаган омилларнинг қўзғалишидан юзага чиқади. Микроциркуляциянинг ҳолсизланиши, ўтказувчанлигининг бузилиши, симпатoadренал тизимнинг фаоллашуви, биоген аминларнинг кўп ишлаб чиқарилиши, қон айланишининг камайиши, эндотоксемия ва аутоиммунизация кузатилади. Терининг термик куйиш даражасига қараб иммун тизим функцияси ҳар хил ўзгаришларга учрайди. (Н.А. Гординская.,2007; А.А.Алексеев 2015). Тери юзаси 4% куйганда иммун тизим стрессга сафарбарлик реакцияси билан жавоб беради. Куйиш 6% дан ошса, иммун тизим депрессияга учрайди (ҳаракатсиз турғунлик ҳолати), яъни Т-лимфоцитлар дифференцировкаланиш коэффициенти пасайиб, гиперпластик-пролифератив жараён устун туриб, ҳужайра тузилмаларини йўқотади. Адабиёт маълумотлари бўйича, куйиш жароҳати ҳам ҳужайра, ҳам гуморал иммунитетнинг чуқур депрессияланишига олиб келади, бу эса организмнинг инфекцион агентга нисбатан чидамлилигини пасайтиради ва септик асоратларнинг ривожланишига олиб келади. (V.M.Zemskov., 2016). Термик куйишни анъанавий даволашда асосий мақсад иммунитет бузилишининг олдини олиш ва касалда инфекцион жараённинг ривожланишига йўл қўймаслик ҳисобланади (Назаров И.П, 2007).

Ўзбекистонда 1995 йилдан бошлаб, ҳужайра технологиясининг янги йўналиши бўлган эмбрионал аллофибробластларни яратиш ва уларни куйган беморларни даволашда қўллаш усуллари ишлаб чиқилган (М.Д. Уразметова, А.А. Шек,1998) Куйган жароҳатларни даволашда ушбу ҳужайралар суюқлигини қўллаш орқали тадқиқотчилар ўстирилган аллофибробластлар (ЎАФ)нинг жароҳат битиши жараёнига таъсирини ҳисобга олишган. Термик

куйишда қўлланилган бу усул натижалари таҳлил қилинганда, куйган тери юзасида яллиғланишли, регенератив жараёнлар анча тез кечганлиги, инфекция қўшилиши кескин пасайганлиги кузатилди. (Р.К. Аҳмедова ва ҳаммуалиф., 2005; М. Д. Ўразметова ва ҳаммуалиф., 2005; А.М. Ҳаджибаев. ҳаммуалиф., 2006).

Чуқур куйган жароҳатга ўстирилган аллофибробластларнинг (ЎАФ) кўчириб ўтказилиши термик куйиш (ТК) аломатлари эртароқ тузалишига, яра нуқсонининг бутунлай ёпилишига олиб келади.(Д.А.Джабриев 2005; В. Nedelec 2007; Э.Я.Фисталь 2017; В.В. Солошенко 2016).

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ўлим даражаси юқори (60-70%) бўлган оғир даражали термик куйишда, терининг 15-20% дан ортиқ майдони куйган беморларни даволашда, самарали усулларни излаш муҳим муаммолардан ҳисобланади ва уни амалга оширишда аутотери, аллотери, ксенотери, аллофибробластлардан фойдаланиш йўллари изланмоқда. Термик куйишда ЎАФ кўчириб ўтказилиши иммун тизимини термик жароҳатга камроқ реакцияси ва клинико-иммунологик ўзгаришларнинг эрта меъёрлашуви аниқланади.

I БОБ. ИЛМЙ АДАБИЁТЛАР МУҲОКАМАСИ. ТЕРМИК КУЙИШДА ИММУН СТАТУСНИНГ ЎЗИГА ХОС ЎЗГАРИШЛАРИ

Термик куйиш энг оғир азоб-укубатлар туркумига киради ва улар ички ва умумбашарий касалликларнинг мураккаб занжири бўлиши билан ажралиб туради ҳамда ички аъзолардаги патологик ўзгаришларнинг пайдо бўлишига олиб келади, бу эса тананинг деярли барча ҳаётй тизимларини қамраб олади [3; 416-б., 4; 15-16-б.].

Оғир даражали термик шикастланиш, куйиш касаллиги (КК) деб аталадиган клиник жиҳатдан аниқ симптомлар мажмуасининг ривожланишига олиб келади. Термик куйиш (ТК) нинг патогенези мураккаблиги барча аъзоларда ва тизимларда, шу жумладан, иммунитет тизимида ҳам ўзгаришга олиб келади [10; 10-12-б., 11; 40-б.]. Термик жароҳатланиш долзарб тиббий-ижтимоий муаммо ҳисобланади. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотлари бўйича барча жароҳатланишлар орасида термик жароҳатланишлар 3-ўринни эгаллайди, Россия давлатида 2017 йилда 260 445 та куйиш касаллиги қайд қилинган [59; 65-б.]. Аҳоли сонига нисбатан ҳисобласак 100 минг аҳолига Ўзбекистонда 374 та, Японияда 290 та тўғри келади.⁴ Куйишдан азият чекканларнинг сони кун сайин ошиб бормоқда, бунга сабаб ўт кетиши, портлаш, ҳарбий зиддиятларга боғлиқ ҳолдаги технологик ҳалокатларнинг кўпайиб боришидир. [4; 15-16-б.]. Термик жароҳатланишларда куйганлар танасида кучли оғриқ, гиповолемия, гипоксия, эндоген интоксикация, иммун тизимнинг тезликда фалажланишига боғлиқ ҳолда ривожланадиган полиорган етишмаслик оқибатида юқори даражадаги ўлим ҳолатлари кузатилади [32; 20-21-б., 16; 11-13-б.]. Термик жароҳатланганлар организмидаги иммунологик муҳитни билиш даволаш ва ташхисни мукаммаллаштиришга, йирингли септик асоратларнинг олдини олишга ёрдам беради.

⁴ ЖССТ маълумотлари, 2017 йил

Термик жароҳатланишни тажриба шароитида моделлаштириш, организмнинг иммун реактивлик ҳолатини ҳар хил вақтларда кузатишга ва куйиш касаллиги морфологик асосларини таққослаб ўрганишга олиб келади [97; 11-14-б.].

Иссиқликдан куйишда терининг бутунлиги бузилиб, ҳимоя тўсиқнинг бир нечта турлари шикастланади, жумладан учинчи чизик ҳимоя, яъни махсус иммунитет ҳимоя чизиги ҳам бузилиш мумкин [89; 849-873-б.] Маълумки, бу ҳимоя чизик тимусга боғлиқ Т-лимфоцитлар ва суяк кўмиги лимфоцитлари томонидан амалга оширилади. Бунда фаоллашган Т-лимфоцитлар махсус медиаторлар ишлаб чиқазиб, макрофаглар иш фаолиятини кучайтиради, Т-киллерлар сонини кўпайтиради, натижада терининг куйган соҳасида пайдо бўлган антиген ва аутоантиген ҳолатга айланган ҳужайраларни цитолитик таъсирга учратади [124; 669-673-б., 146; 63-68-б.]. Бу реакция, албатта, Т-хелпер ва Т-супрессор лимфоцитлар томонидан бошқарилади. Агар Т-супрессорлар кўпайса терининг куйган соҳасида пайдо бўлган антигенларни тозалаш жараёни секинлашади ва иммун реакция танқисликка учрайди [116; 472-478-б., 10; 24-26-б., 27; 155-157-б.].

Термик куйиш (ТК) терининг барча ҳимоя чегараларини бузади, теридаги ҳужайра ва оқсилларни денатурацияга учратади, бу эса махсус ҳимоя тизимига салбий таъсир кўрсатади. [6; 41-45-б.]. Терининг куйган соҳасида пайдо бўлган сувли пуфакчалар ва экссудат маҳаллий иммун ҳимояни фалажлайди, натижада лимфоцитлар пролиферацияси, хемотаксис ва лейкоцитларнинг миграцияси секинлашади. Бу жараён нейтрофиллар иш фаолиятининг кескин тушиб кетиши билан намоён бўлади. Куйиш касаллигида қонда лейкоцитар индекс ўзгариши, моноцитлар, эозинофиллар ва базофиллар миқдори ошиши, лимфоцитлар миқдори камайишини кузатишимиз мумкин бўлади [43; 43-44-б., 144; 63-72-б.].

Морфологик жиҳатдан терининг куйган соҳасида хемотаксис ривожланмайди, нейтрофилларнинг қон томирлар девори томон силжиши

секинлашиб, фаоллиги тушиб кетади. Нейтрофилларда метаболизм секинлашиб, бактериоцитли таъсири йўқолиб, терининг куйган соҳасида сепсисга хос ўзгаришлар пайдо бўлади [9; 20-21-б., 99; 374-376., 125; 489-497-б.].

Олимларнинг таъкидлашича, иссиқликдан куйишда ҳам бошқа стресс кўзгатувчи омилларга ўхшаб, лимфоид тўқиманинг тасодифий инвалюцияси ривожланади, шунинг учун куйганларнинг 78% ида сепсис ривожланганлиги аниқланади [8; 4-9-б., 24; 235-б.]. Морфологик жиҳатдан иммун тизимининг деярли барча аъзоларида, яъни суяк кўмиги, тимус, талок, лимфа тугунлар вазни кичиклашиб, таркибидаги лимфоид хужайраларнинг аксарияти нобуд бўлишидан, уларнинг сони кескин камаяди [17; 40-41-б.].

Дори воситалари билан даволаш усуллари ҳар доим кутилган натижага эришишга имкон бермайди ва кўпинча ёмон асоратларни келтириб чиқаради, чунки улар тананинг муайян функцияларига таъсир кўрсатади [1; 22-б., 5; 142-б., 10; 24-26-б.]. Инфекцион асоратлар ривожланиши куйиш жароҳати даражасига тўғридан-тўғри боғлиқ эканлиги аниқланди [8; 4-9-б.]. Сўнгги йилларда эрта куйиш сепсиси ривожланиши частотасининг ошиши кузатилди, бу ташхиснинг мураккаблиги, ёмон оқибатларга олиб келган ва юқори ўлим даражаси 70 фоизга етган [16; 11-13-б., 32; 20-21-б., 55; 69-70-б.].

Тизимли яллиғланиш жавобининг синдроми доимо юқумли жараённинг ривожланиши билан боғлиқ эмас. Ҳар қандай этиологияли сепсиснинг ривожланиши учун асос бу иммун тизимининг инфекцион жараёни локализация қила олмаслигидир [83; 470-б.]. Шунинг учун жиддий термик шикастланиши бўлган беморларда иммунологик реактивликни ўрганиш, сепсиснинг эрта иммунологик мезонларини аниқлаш долзарблигича қолмоқда. Жароҳатдан кейин эрта босқичларда (3 кун) жиддий куйиш ҳолатлари хужайра ва гуморал иммунитетнинг ўзгаришларига олиб келади. Т-лимфоцитларнинг умумий сонида пасайиб бориши ва уларнинг турли функционал фаолликлари билан субпопуляцияларга қарши

сусайтирувчи хусусиятларга эга бўлган, В-хужайраларининг Т-лимфоцитлар билан ҳамкорлик қилиш қобилиятини бузадиган, турли хил популяцияларда камайишини акс эттирадиган хужайра иммунитетининг сезиларли етишмовчилигига олиб келади [81; 39-45-б.]. Термик жароҳат плазморея туфайли иммуноглобулинларнинг концентрациясини камайтиради, протеолитик ферментларнинг фаоллиги ошиши билан парчаланиш ошади. Анъанавий консерватив даво усуллари чуқур куйишлари бўлган беморларни даволашда кам самарали эканлигини амалиёт кўрсатмоқда. Иммунитет ҳолатининг иммунологик текширувлари унинг самарасиз эканлигини кўрсатди. Шу билан бирга, куйиш касаллигида анъанавий даво билан бирга, иммунокоррекциядан фойдаланиш хужайра ва гуморал иммунитетнинг етишмовчилиги ва давомийлигини камайтиради ва эрта даврларда иммунитет кўрсаткичларининг нормаллашувига сабаб бўлади [49; 19-22-б.].

Иммун тизимининг миқдорий формуласи куйиш касаллиги (КК) бўлган беморлар септик асоратларини ташхислаш ва прогнозлаш имконини беради [73; 392-393-б.]. Термик куйиш хужайра ва гуморал иммунитетнинг чуқур депрессиясига олиб келади, бу эса организмнинг юқумли инфекцияларга қарши чидамлилигини пасайтиради ва йирингли-септик асоратларнинг ривожланишига олиб келади. Куйиш касалликларини анъанавий даволаш иммунитет ҳолати бузилганлигининг олдини олиш ва касални юқумли инфекциялардан ҳимоя қилишга имкон бермайди [79; 11-15-б.]. Кўпгина тадқиқотчилар иммунитетнинг ўзгариши куйиш касаллиги оғирлик даражасига пропорционал эканлигини таъкидладилар [83; 470-б.].

Кўпчилик муаллифларнинг фикрига кўра, ТКда иммунитетнинг хужайра таркибий қисми кўпроқ зарар кўради ва каламушлар иммунореактивликни ўрганиш учун мақбул объект ҳисобланади [112; 702-712-б.].

ТК ичидаги иммунологик реактивлик динамикасида камида учта фаза ажратилади: куйишдан кейинги дастлабки кунларни ўз ичига олган эрта иммуносупрессия даври; иммунореактивликнинг ортиши билан

тавсифланадиган компенсация даври. Кечиктирилган иммуносупрессия даври, бу фақат катта ва чуқур куйгандан кейин содир бўлади.

Нисбатан енгил куйиш ҳолатларида маълум бир иммунитет танқислигидан кейин иммунологик реактивлик нормаллашади, хужайра ичидаги иммунитет реакциялари кучаяди, суяк илигида хужайралари сони ва миграция фаоллиги ошади, миелопоез фаоллашади, Т ва В лимфоцитлар сони тиклана бошлайди ва ёрдамчи хужайралар, хужайраларнинг бостирувчи фаоллиги пасаяди, антиген ва фагоцитик функциялар кучаяди, лимфоид тўқималарда тикланиш ҳодисалари устунлик қилади. Доимий иммуносупрессия чуқур даражали куйишдан кейин ривожланади [116; 472-478-б.].

Тери иммунитет тизимининг асосий элементи лимфоцитлар бўлиб, улар орасида 90% гача Т - хужайралари мавжуд. Ҳайвонлар ва одамлар эпидермисидаги лимфоцитлар барча хужайраларнинг 1–4 фоизини ташкил қилади. Кичик миқдордаги В-лимфоцитлар дермиснинг ўрта ва чуқур қатламларида жойлашган [153; 60-62-б.].

Термик куйишда (ТК) тимусда маълум бўлган дистрофик ўзгаришлар Т-хужайралар чуқур депрессиясини келтириб чиқаради, бу Т-лимфоцитлар умумий сонининг камайиши ва функционал фаоллиги ўзгариши билан турли субпопуляцияларда ҳам ўзини намоён қилади. Т-лимфоцитлар сонининг пасайиши маълум даражада термик куйишнинг оғирлигига боғлиқ. Кўпчилик тадқиқотчилар Т-ёрдамчи субпопуляциясининг термик шикастланишдан кейин ҳам, узоқ (10-14 кун) даврда сони ва функциясининг ўзгаришини қайд этадилар [132; 45-46-б., 145; 449-550-б.].

Оғир даражали термик куйишдада иммуносупрессиянинг баъзи гендер хусусиятлари аниқланади, хусусан, аёлларда иммунитетнинг Т-хужайрасини тиклаш учун кўпроқ вақт талаб этилади, бу, шунингдек, IL-6 даражасидаги сезиларли фарқлар (юқоридаги аёлларда) ва анти-IL-6 дан фойдаланиш билан боғлиқ антителалар кечиктирилган типдаги юқори сезувчанлик реакциясини жароҳатдан 1 кун ўтгач, аёлларда фақат 10-кунида тикланишига олиб келади

[131; 29-34-б., 141; 73-78-б.]. ТКдан кейинги дастлабки кунларда лейкоцитлар сони кўпайиши ва лимфоцитларнинг умумий сони сезиларли даражада камайиши аниқланади. CD2+, CD2-DP, CD4+ ва CD8+ антигенларни олиб юрадиган хужайралар сонининг кескин камайиши кузатилади. CD4+ пасайиш кўпроқ ва маълум даражада CD8+ пасайиши сезилади, шунинг учун CD4+ / CD8+ коэффиценти қарийб 3 баравар камаяди [80; 25-32-б.].

ТК ичидаги Т-хужайра механизмининг нуқсони, асосан, лимфоцитларнинг апоптоз механизми томонидан кўпайиши билан боғлиқ. Т-тартибга солувчи лимфоцитлар ТК пайтида Т-лимфоцитлар фаоллигини бостиришда, хусусан, CD4+ хужайраларининг антигенлик стимуляцияга реакцияси ва антигенларга хос Т-лимфоцитлар клонини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди [109; 252-257-б., 126; 137-147-б.].

ТК таркибидаги хужайрали иммунитетнинг ўзгариши билан бир қаторда, В-лимфоцитлар сонининг камайиши кузатилади. Аммо В-тизими ТКда барқарорлик билан ажралиб туради, гуморал иммун жавобнинг ўзгариши иммуноглобулинлар концентрациясининг ўзгариши билан тавсифланади. Кўпгина тадқиқотчилар ТКдан 1-3 кун ўтгач IgM, IgA даражасининг пасайишини ва чуқур куйиш ҳолатларида Ig G таркибининг кўпайишини кузатдилар. Баъзи муаллифлар термик куйиш билан оғриган беморларда қон зардобидеги иммуноглобулинларнинг амалда ўзгармаган даражаси тўғрисида маълумот берадилар [142; 63-72-б.]. Аммо цитокинлар яллиғланишнинг ривожланишида иштирок этадиган деярли барча хужайраларга, шу жумладан, гранулоцитлар, макрофаглар, фибробластлар, эндотелиал ва эпителиал хужайралар, Т ва В лимфоцитларига таъсир қилади. [108; 20-25-б.]. Иммунитет тизимида цитокинлар иккала йўналишда ҳам ҳаракат қилувчи туғма ва мослашувчан иммунитетни ўзаро боғлайдилар [81; 39-45-б., 108; 20-25-б.].

ККда Th-2 ва Th-1 нинг тарқалиши ва дифференциациясининг бузилиши мос равишда IL-12 макрофаглари ишлаб чиқаришнинг камайиши

хамда IL -4 ва IL -10 ишлаб чиқаришнинг кўпайиши билан боғлиқ [105; 305-313-б., 164; 111-115-б.]. Термик куйиш пайтида қондаги маълум цитокинлар даражаси аъзоларнинг шикастланишида, кўп аъзолар етишмовчилигининг ривожланиши ва сепсисда патофизиологик боғлиқлик сифатида қаралади [79; 11-15-б., 114; 344-354-б.].

Куйиш пайтида цитокинлар миқдорининг ўзгаришида CD8+ лимфоцитларнинг роли аниқланди, улар IL -4 синтезининг кўпайишига ва TNF (tumor necrosis factor) даражасининг пасайишига катта ҳисса қўшади [91; 521-524-б., 162; 239-245-б.]. IL -2 ишлаб чиқаришнинг пасайиши Т-хужайрали иммуносупрессиянинг ривожланишида жуда муҳим эканлиги, куйган беморларда IL -2 концентрацияси ТКнинг оғирлиги билан тескари боғлиқлиги ва минимал даража вафот этган беморларда қайд этилган [154; 28-33-б.].

Термик куйишнинг 3-5 кунда ўтказилган иммунологик тадқиқотлар лимфоцитлар ва субпопуляцияларнинг (CD3, CD4, CD8) кўрсаткичлари камайганлигини аниқлади. Фақат 10 суткага бориб биров нормаллашганини кузатишимиз мумкин. Шу билан бирга, IL-2 рецепторларини фаоллаштирувчи CD25 хужайраларининг қонда сезиларли ўсиши куйиш жароҳатининг оқибатининг ёмон белгиси ҳисобланади. [100; 1069-1077-б.]. Нейтрофиллар ва лимфоцитлар Т-ёрдам хужайралари субпопуляцияси ва цитотоксик лимфоцитларнинг таркибини аниқлаш, инфекцион жараённинг ривожланиши учун эрта ва ишончли мезондир [85; 42-45-б.]. Шундай қилиб, куйиш касаллигининг ўткир давридаги кучли термик шикастланиши бўлган беморларда хужайра ва гуморал иммунитетнинг қийсий таҳлилида фарқлар аниқланади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, оғир даражали термик куйишда инфекция ривожланиши лимфоцитлар сонининг, CD 4 / CD8 + кўрсаткичлари ва IgG миқдори пасайиши билан бирга кечади [19; 18-20-б.]. Куйиш сепсиси билан оғриган беморларнинг интерлейкинлар IL-1в, IL-6 таркиби, асоратлари бўлмаган беморларга нисбатан бир неча баравар юқори [85; 42-45-б.]. Маълум бўлишича, термик куйишга учраган беморларнинг қон

плазмасидаги яллиғланишга қарши цитокинлар даражаси куйиш инфекциясининг кечиши оғирлигини акс эттиради [18; 73-75-б., 150; 112-120-б.]. Куйиш касалликлари учун иммунологик текширувларни ўтказиш зарур ва долзарбдир, чунки улар организмда ўзгаришларнинг ривожланишини тахмин қилиш имконини беради [42; 80-84-б.].

Оғир даражали термик куйишда иммун тизимидаги ўзгаришлар яллиғланишга қарши цитокинларнинг концентрацияларини ошиши билан намоён бўлади [81; 39-45-б., 102; 429-б.]. Апоптоз жараёни ошади. Тўқима гомеостатик жарёнларини сақланиши мураккаб жараён бўлиб, бу нафақат хужайралар кўпайиши ва дифференциалланишига балки апоптозга ҳам боғлиқдир [20; 25-32-б., 72; 50-53-б.]. Ҳозирги вақтда куйган беморларни даволаш муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Иммунитет танқислиги терапия самарадорлигининг пасайишига, термик куйишнинг узок давом этиши ва асоратларнинг ривожланишига олиб келадиган оппортунистик флоранинг фаоллашишига сабаб бўлади [147; 199-205-б., 148; 836-848-б.]. Шу муносабат билан иммунитет тизимининг функционал ҳолатини тиклаш ТК учун комплекс терапиянинг ажралмас қисми ҳисобланади [119; 367-373-б.]. Имунокомпетент хужайраларнинг ўзаро таъсирини тартибга солиш ва цитокинлар бассейнидаги ўзгаришларни эрта тиклаш қобиляти куйишларни даволаш учун устувор йўналиш ҳисобланади [27; 155-157-б.].

Шунинг учун жиддий термик шикастланиши бўлган беморларда иммунологик реактивликни ўрганиш, куйиш сепсисининг эрта иммунитет мезонларини аниқлаш долзарблигича қолмоқда.

Шундай қилиб, CD14 ген полиморфизми ва Т–лимфоцитлар таркибидаги ўзгаришлар ва уларнинг куйганларда яллиғланишга қарши цитокинлар ва IL- 2 ишлаб чиқариш фаолияти ўртасидаги муносабатлар тадқиқот қилинган [79; 11-15-б., 104; 617-620-б., 151; 617-620-б.].

Иммунитет тизимининг функционал фаоллигини тиклаш куйиш касаллигини даволашнинг ажралмас қисми ҳисобланиши керак.

Шу нуктаи назардан, Т-лимфоцитлар активлигини оширадиган организмнинг специфик реактивлигини камайтирадиган даволаш усуллари кидириш билан иммунологик параметрларни ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш керак [65; 66-70-б., 135; 2393-2413-б.]. Аввалги куйиш касаллигидаги иммунологик текширувлар гуморал ва ҳужайравий иммунитетнинг миқдорий кўрсаткичлари камайганлигини, шунингдек, инфекция жараёнининг фонида ва ўта сезувчанлик реакцияларининг секин типи (ЎСРСТ) пасайганлигини кўрсатди [63; 21-б.]. Турли муаллифлар фикрига қўшилган ҳолда депрессия ҳолати куйишнинг оғирлиги ва шикастланиш майдони билан ўзаро боғлиқлиги хулоса қилинди [82; 94-97-б., 122; 1135-1139-б.].

Т-ҳужайравий иммунитетнинг функционал ҳолатини ўрганиш зарурати бизда ЎСРСТга эътибор беришга ундайди. Ушбу реакция ҳужайравий механизмлари Т-лимфоцитлар ва цитокинлар орқали амалга оширилади [88; 345-б.].

Р.М. Хаитов ва ҳаммуаллифлари аниқлашича (2000) ЎСРСТ - иммунитетнинг Т-лимфоцитга боғлиқ / антителога боғлиқ бўлмаган эффе́ктор механизмининг иккинчи вариантдир [77; 430-б.]. Ҳар қандай иммунитетли жавоб - бу патологияни ижобий ёки салбий патологияни бартараф этишидир. ЎСРСТ нинг эффе́ктор ҳужайралари CD⁺ Th1 лимфоцитлари, улар томонидан ишлаб чиқарилган цитокинлар, яллиғланишга қарши цитокин IFN-γ ва яллиғланиш ижрочилари: макрофаглар, шерик ҳужайралар, мақсадли ҳужайралар ҳисобланади. Бундай ҳолатда антиген макрофаглар ва дендрит ҳужайралари томонидан антиген таъминловчи ҳужайралар билан алоқа қилади, улар цитокинларни (IL-1, 2, 12) ажратади, ҳужайралар ва макрофагларни фаоллаштиради [92; 527-539-б.].

ЎСРСТ специфик антигенлар ёки Т-ҳужайрали митоген билан алоқа қилган пайтдан бошлаб 2-7 кун ичида ривожланади. ЎСРСТ Т-лимфоцитларнинг фаоллашуви аниқланади, улар *in vitro* бласттрансформация реакциясини бошидан ўтказди. ЎСРСТ нинг *in vitro* варианты - лейкоцитлар

миграциясини тўхташ реакцияси (ЛМТР), Т-лимфоцитларнинг фаоллашиши ва цитокинлар ишлаб чиқарилиши ҳисобланади [31; 16-б.]. Улардан бири, Т-хужайравий митоген ёки специфик антигенлар фаоллашуви билан дастлабки 4 соат давомида Т-лимфоцитлар томонидан ишлаб чиқарилган лейкоцитларнинг миграциясини пасайтувчи омил (ЛМПО) биологик тестлар билан аниқланиши мумкин [22; 12-б., 45; 18-б., 46; 155-157-б.].

ЛМТР цитокинларни ўрганиш специфик ва умум хужайравий иммунитетни аниқлашнинг дастлабки ишланмаларидан биридир [47].

1960 йилларда Boyden, Lfwrense ҳаммуаллифлари билан бирга клиник амалиётда кенг қўлланадиган хемотаксисларни ва лимфоцитлар миграциясини тўхтатишни баҳолаш усулини ишлаб чиқишди. Унинг ёрдамида, кўплаб инфекцион, сурункали ва онкологик касалликларда этиологик жиҳатдан аҳамиятли антигенларга хос хужайравий иммунитетни баҳолаш мумкин бўлди [21; 404-406-б., 45; 18-б., 58; 304-306-б.].

ЎСРСТ ва ЛМТР асосида сенсibiliзацияланган лимфоцитлар антиген билан қайта таъсирланишида, гранулоцитлар ва лимфоцитларнинг миграциясига таъсир қилувчи бир қатор цитокинлар (МСО, ТНФ-а, интерферон-гама ва ҳоказолар) ва хемокинлар ишлаб чиқарилиши аниқланди [36; 4-8-б.]. Қоида тариқасида гранулоцит ва моноцит миграциясининг тормозланиши кузатилади, аммо баъзи ҳолларда *in vitro* специфик миграция кучайиши мумкин. ЛМТР касалликнинг жиддийлигини аниқлаш, кучайишини башорат қилиш ва даволаш самарадорлигини баҳолаш учун клиникада қўлланилади [44; 290-291-б.]. ЛМТР ёрдамида клиник амалиётда кенг қўлланиладиган препаратларга дори аллергиясини аниқлаш мумкин [22; 12-б.]. Клиникада ЛМТРнинг кенг қўллана олмаслигига сабаб, бу усул қийин (агар варианты), стандартлаштирилмаган (капилляр варианты), натижаларни баҳолаш автоматлаштирилмаган. Хужайра иммунитетини баҳолашнинг бошқа усулидан фойдаланиш *in vitro* - лимфоцитлар бласттрансформация реакцияси (ЛБР) ҳам услубий мураккаблиги билан чекланади [48; 126-б.].

Шу билан бирга, реакция натижаларини фақат 3- ва 7-кунда баҳолаш мумкин, ЛМТР эса инкубация 4-18 соатидан кейин баҳоланади.

Миграция индексининг қиймати миграцияни бостириш фоизлари билан ифодаланади. Ковальчук Л.В. ва бошқ. (2000) миграция ингибирловчи омил (МИО) / миграцияни пасайтурувчи омил (МПО), макрофагларга таъсир кўрсатадиган махсус Т-хужайрали маҳсулот сифатида қабул қилинди [36; 4-8-б.]. Бугунги кунда МИО турли орган ва тўқималарда, жумладан, гипофиз, мия, ошқозон ости беши, буйрак, тухумдонларда топилганлиги аниқланди. МИО ташқи симптомларга жавобан синтез қилинган ва секретланган бошқа цитокинлардан фарқли ўлароқ, МИО хужайралар цитоплазмасида доимо ифодаланади ва яллиғланиш ёки гормонлар таъсирида ҳосил бўлади. Цитокин иммун ва эндокрин тизимларнинг хужайралари томонидан ишлаб чиқарилади, ЎСРСТ да эндотоксимияда яллиғланиш билан жавоб беришда муҳим рол ўйнайди ва тананинг бошқа тизимлари билан иммун тизимининг ўзаро муносаббатига таъсир қилувчи омил ролини ўйнаши мумкин

Сўнгги бир неча йиллардаги ўрганишлар шуни кўрсатдики, узоқ вақт мобайнида миграцияни ингибирловчи омил, цитокин, гормон ва фермент вазифаларини ўз ичига олган биологик хусусиятларга эга эканини кўрсатиб турибди [36; 4-8-б., 62; 193-199-б.].

Шундай қилиб, МИО / МПО ўз таъсирини рецептор орқали медитация қилувчи цитокин ва гормон каби вазифани бажаради. Митоген ёки специфик антиген билан таъсирлантирилганда фаоллашган Т - хелперлар МПО фаоллигининг манбасидир ва ҳар икки турдаги Т - хелперлар (Th1 ва Th2) базал цитокин даражасини чиқаради [157; 2357-2370-б.].

Т-хелперлар хужайраларининг фарқланиши, синтезланган цитокинлар ва хемокинлар мажмуаларида фарқ қилувчи иккита Т-хужайралари турларига олиб келади. Th1 ва Th2 да хужайраларни фарқлаш йўналишига фақатгина цитокинлар таъсир қилади эмас, балки А.С.Кетлинский (2002) томонидан келтирилган кўплаб омиллар томонидан ҳам ингибирланиши мумкин [34; 77-79-б.].

Дифференциацияланишга таъсир килувчи омиллар бошқача бўлиб, улар чиқарадиган цитокиналардан фарқ қилади ва тескари йўналишга эга бўлади [36; 4-8-б.]

Th1- хелперлар цитокинлари (IFN, IL-12, IFN γ) рецепторларни ва Th2-хелперларга хос бўлган цитокинлар (IL-4, IL-10) синтезини пасайтиради. [164; 111-115-б.]. Бундан ташқари, тескари ҳолат ҳам кузатилиши мумкин, бунда Th2 цитокинлари Th1-хелперларга хос бўлган цитокинлар ишлаб чиқарилишини тўхтатиши мумкин [105; 252-257-б.].

Бугунги кунда кўпчилик тадқиқотчилар Th1 ва Th2 нинг ифодаланиши, CD4⁺ Т - лимфоцитларнинг вазифалари ва генлар экспрессия альтернатив ҳолатини кўрсатади деб қабул қилишган (Хаитов Р.М, ва бошқалар, 2000; Кетлинский С.А, 2002). ЛМПО яллиғланишга қарши бўлган цитокин бўлгани учун, митоген томонидан лимфоцитларни стимуляция қилиш натижасида ЛМПО даражаси Th1 CD4⁺ Т-лимфоцитларнинг фаоллигини акс эттиради [64; 38-45-б., 106; 777-784-б.]

Куйиш касаллигидаги Т - ҳужайравий иммунитетнинг функционал фаоллигини ўрганиш учун лейкоцитлар миграциясининг тўхтатиш реакцияси (ЛМТР) кўрсаткичларини аниқлаш танланади [19; 18-20-б., 67; 66-69-б.]. Ушбу индикаторлар субоптимал ва оптимал дозаларда митоген КонА га ЛМТРда Т-лимфоцитнинг *in vitro* фаоллигини, периферик қон лейкоцитларининг спонтан миграцияси (ПҚЛСМ), спонтан цитокин самарадорлигини аниқлаш [108; 20-25-б.] (МПО / МСО билан), шунингдек, тананинг антигенга терининг ўзига хос сезувчанлиги даражасини аниқлашдан иборат (AgC) [156; 29-36-б.].

§1.1. Термик куйишда патологик ўзгаришлар хусусияти

Термик куйиш - бу баланд ҳароратнинг организмга ва унинг тўқималарига таъсиридан келиб чиқадиган жароҳат туридир. Термик куйишлар этиологик омилларига қараб, олов, иссиқ суюқлик, буғ, иссиқ ҳаво, кўмир чўғи, электр токи билан куйиш турларига бўлинади. Уларнинг

локализацияси (юзи, панжалари, танаси, қўл ва оёқлари) куйган майдони ҳажмига қараб ҳар хил бўлиши мумкин [137; 83-б.]. Термик куйиш ХКТ-10 (Халқаро касалликлар таснифи 10–рукни)га кўра Т-20 дан Т-32 гача код билан белгиланган [117].

Куйган беморлар ахволининг оғирлиги ва келгусидаги башоратни баҳолашда куйиш юзасининг ҳажми ўта муҳимдир [103; 495-503-б.]. Шунинг учун тўла бўлмаса ҳам уларни зудлик билан шифокорга кўрсатиш пайтида аниқлаш зарур. Одам танасидаги тери ҳажми унинг узунлигига боғлиқ. Беморнинг тана тузилиши ва унинг семизлиги ҳисобга олинмайди. Куйган яранинг умумий ҳажми бутун тана ҳажмига нисбатан олинади ва 100% деб қабул қилинган [57; 4-6-б.]. Термик куйиш қарияларда ва айрим ирқдаги одамларда бошқаларга нисбатан оғирроқ кечиши ҳам мумкин [111; 762-769-б.].

Термик куйишларнинг майдонини тахминий мўлжал қилишда энг оддий, амалиётда ишлатишга қулай бўлган усуллар ишлатилади. Булар «тўққизлик қоидаси» ва «кафт қоидаси» ҳисобланади. «Тўққизлик қоидаси» бўйича тери билан қопланган тана юзасининг майдони куйидагича: бош ва бўйин-9%, ҳар бир қўл - 9% дан (иккита қўл 18%), ҳар бир оёқ - 18% дан (иккита оёқ 36%), гавданинг олд қисми -18%, гавданинг орқа қисми -18%, оралик соҳаси ва ташки жинсий аъзолар -1%, жами бўлиб 100%дан иборат. «Кафт қоидаси» бўйича куйган одамнинг кафти тахминан 1% ни ташкил қилади. Куйиш майдонини аниқ кўрсатиш учун одам танаси контурлари туширилган ва сегментларга бўлинган махсус штамп орқали аниқланади [97; 11-14-б.]. Ҳар бир сегмент тана юзасининг 1% ига тенг. Куйишнинг чуқурлигига қараб, куйидаги 4 даражага бўлинади: I даража терининг юзаки эпидермис қаватининг қисман куйиши бўлиб, гиперемия ва қаттиқ куйдирувчи оғриқ билан юзага чиқади. II даража терининг эпидермис қавати батамом жароҳатланиб, эпидермис ўз ўрнидан кўчади, ичи суюқликка тўлган пуфаклар ҳосил бўлади (пуфакли шакли). Дастлабки икки-уч кун ичида қаттиқ оғриқ бўлади. III «А» - эпидермис йўқ, хусусий дерма қаватининг

ўсувчи қаватигача куйиш бўлиб, юмшоқ тўқималари шишган, таранглашган, куйган юзаси қизғиш ялтироқ рангда, юпқа, ёрқин малла рангдаги струп билан қопланган, томирлар кўринмайди, оғриқли ва тактил сезгилар кучайган. III «Б» - терининг ҳамма қавати куяди, некроз ҳосил бўлади, тўқ кўкарган - оқиш струп билан қопланган, тромблашган веналарлар кўп кўринади.

Струп бармоқлар билан ушланганда улар йиғилмайди, тагидаги қават билан маҳкам ёпишган. Оғриқ ва тактил сезги йўқолган. IV даражада тери таги ёғ қатлам, мушаклар, пайлар, ҳатто суяклар ҳам куйиши мумкин [12; 14-20-б., 84; 45-48-б.]. Чуқур қаватлари некрози, струп қаттиқ, қалин, айрим ҳолатларда қора рангда ёки тим қора кўмир рангида бўлади. I, II, III А даража юзаки куйишларда, тери қопламаси ва унинг тагидаги хужайра элементларининг сақланиб қолганлиги учун ўзида эпителизация бўлиши хусусиятига эга. Биринчи даражали куйишда бўладиган тери гиперимияси ва шиши 2-3 кундан кейин ўтиб кетади, эпидермиснинг юзаки қавати кўчади ва биринчи ҳафтанинг охирларида куйган яра битади. Иккинчи даражали куйганда 3-4 кундан кейин яллиғланган-экссудатив ҳолат камаяди. Яранинг батамом битиб кетиши 10-14 кунларда кузатилади. Куйган ярада ўзидан кейин чандиқ қолмайди, қизариш ва теридаги доғлар бир неча ҳафта сақланиши мумкин. Учинчи (IIIA) даражали куйиш йиринглаш билан ўтади. Яранинг тозаланиши 2-3 ҳафта давом этади, батамом битиб кетиши 4-6 ҳафта ичида содир бўлади. Яра битгандан кейин турғун доғ қолади ёки гипертрофик келлоид чандиқ ҳосил бўлиши мумкин. Учинчи (III Б) ва тўртинчи (IV) даражали куйишлар чуқур куйишларга кириб, тери қопламасининг тикланиши жуда узоққа чўзилади, битганда ҳам ҳар хил чандиқлар ҳосил қилади ва контрактуралар пайдо бўлиши мумкин [10; 24-26-б.]. Шунинг учун бу даража куйишларда ўз вақтида жарроҳлик операция ёрдамида аутопластика қилиш ёки аллофибробластларни қўллаш керак. [87; 69-70-б.]. Учинчи Б даражали куйишларда йирингли деморкация яллиғланиш 2-3 ҳафта давом этади. Кейин яра аста-секинлик билан ўлган тўқималардан

тозаланади ва майда донали грануляция билан қопланади. Яра ана шу даврда терини аутодермотрансплантация қилишга тайёр бўлади [121; 629-643-б.]. Тўртинчи даражали куйишда ўлган тўқималар жуда секинлик билан кўчади, хусусан пайлар, суяклар ва бўғимлар куйганда, бу ҳолат содир бўлади. Кўпинча йирингли асоратлар юзага чиқади. Қўл ва оёқларда IV даражали куйишларда ҳатто ампутация қилиш ҳолати ривожланиши мумкин. Учинчи Б ва тўртинчи даражали куйишларда жуда муваффақиятли операция қилингандан кейин ҳам ҳар хил гипертрофик ва келлоид чандиқлар, контрактуралар ва ҳар хил деформациялар қолиши мумкин. Куйгандан кейин кучли чандиқ қолиши беморлар ҳаётини, ташқи кўринишини, ҳаёт тарзининг ўзгаришига сабаб бўлади [115; 239-259-б., 159; 1275-1287-б.].

Куйиш касаллиги (КК) ўрта ёшли беморларда тана терисининг 10-15 %и куйганида ривожланса, қари кишиларда ва ёш болаларда 5 % тана терисининг чуқур куйишида ривожланиши мумкин [161, 90; 117-127-б., 140; 30-36-б.]. Шифокор учун госпиталгача бўлган босқичда куйиш касаллигининг биринчи даври, яъни куйиш шокини аниқлаш ўта муҳим. Кучли термик куйишда асосий модда алмашунуви бирданига кўтарилади, каттабализм ва энергияга бўлган талаб ошади. Гиперметобализм, аутофагия ва озиқланишнинг издан чиқиши кўпаёзо етишмовчилигига сабаб бўлади [28; 51-53-б., 143; 171-180-б.]. Куйиш шокига диагноз қўйишда, бошланғич даврларда оддий мезонлардан - куйиш майдонининг умумий ҳажми ва Франк индекси (ФИ) дан фойдаланиш зарур. Куйишнинг умумий майдони деганда, юзаки ва чуқур куйишлар майдонининг умумий жамланиши тушунилади. Франк индекси юзаки ва чуқур куйишлар майдонининг интеграл тузилмасининг маълум бирликда ифодаланишидир [98; 31-56-б.]. Франк индексини ҳисоблашда ҳар бир юзаки куйишнинг 1%и битта бирлик индексига, чуқур куйишнинг 1%и уч бирликка тенг. Куйиш шокининг клиник ривожланишида юзага чиқадиган соғ теридаги ва шиллиқ пардалардаги оқариш, цианоз, тана ҳароратининг пасайиши, тахикардия, ҳансираш, диурезнинг пасайиши, чанқоқлик, ичаклар парези каби белгиларга

эътибор бериш керак [52; 96-112-б., 149; 423-431-б.]. Куйиш шокининг клиник кўринишига ва унинг кечиш муддатининг чўзилишига қараб, енгил, оғир ва ўта оғир шок даражаларига бўлиниши фарқланади [123]. Бу ҳолатнинг оғирлиги куйган тана терисининг ҳажмига, куйишнинг чуқурлигига ва жароҳатланган кишиларнинг ёшига боғлиқ [96; 158-162-б., 163; 29-31-б.]. Шундай қилиб куйиш касаллиги куйидаги 4 даврларга бўлинади: Куйиш шоки (куйгандан кейин 24-48 соат давом этади), ўткир куйиш токсемияси (травмадан кейин 3-7 кунларда ривожланади), септикотоксемия (жароҳатдан кейин 8-10 кунда ва тери қопламасининг тикланишига қадар), реконвалисценция (тери қопламаси тиклангандан кейин юзага чиқади) [37; 8-12-б.]. Куйиш шоки бу синдром бўлиб, унинг асосида, терининг термик жароҳати ётади. Бу ҳолат термик жароҳат олгандан кейин жароҳатланганлар организмида бирданига ривожланиб, марказий, регионар ва периферик гемодинамиканинг бузилиши, натижада, кўпроқ микроциркуляция ва модда алмашинувининг ҳар хил патологик ўзгаришларига олиб келади [123, 69; 55-58-б., 163; 29-31-б.]. Агар ўтган асрнинг 80-90-йилларида термик куйишда асосий ўлим сабаби куйиш шок ва сепсис деб қаралса, бугунги кунда кўп аъзолар етишмовчилиги синдроми деб қаралади [18; 73-75-б.]. Куйиш вақтида микроциркуляциянинг бузилиши содир бўлганда, тўқима гипоксияси, хужайра дистрофияси ортидан деструктив ўзгаришлар ривожланади [50; 416-б., 101; 27-33-б.]. Термик куйишда қонда альбумин камаяди, сийдик кислотаси ошиши кузатилади. [40; 104-108-б.].

Термик куйишда ички аъзолардаги патологик ўзгаришларга тўхталадиган бўлсак, бу ўзгаришлар куйишнинг оғирлик даражаларига бевосита боғлиқдир [25; 22-31-б., 95; 782-784-б.]. Юрак-қон томир тизимининг ўзгаришлари: шикастланган пайтдан бошлаб, 3-4-кунда миокард дистрофиясининг ўзига хос белгилари мавжуд - юрак тепасида биринчи оҳангнинг пасайиши, тахикардия, эҳтимол, экстрасистол шаклида юрак ритми бузилиши. ЭКГда қоринча комплексининг сўнгги қисми Т

тўлқинининг текисланиши ёки инверсияси шаклида ўзгартирилди. Куйган ярада оғир йиринглаш ёки инфекциянинг умумий тарқалиши инфекцияли токсик миокардитнинг ривожланиши билан, қисман ёки тўлиқ юрак етишмовчилигининг аниқ намоён бўлиши мумкин. Барча жиддий куйган беморларда қон томир тонуси пасайиш тенденциясига эга [52; 96-112-б., 159; 1275-1287-б.].

Термик куйишда нафас олиш тизимининг ўзгаришлари. Куйишлар учун ўпкада энг кўп учрайдиган патология пневмония бўлиб, бирламчи пневмония нафас олиш тизимига токсик ёниш маҳсулотлари ва ҳар хил дисперсияларнинг тутилиши натижасида ривожланади [68; 90-94-б.]. Улар жароҳатлардан кейинги 2-5 кунда термо-ингалацияли шикастланишли беморларнинг 75-92% да ривожланади. Камроқ оғир жараёнлар билан 8-25% да йирингли (йирингли-некротик) трахеобронхит ривожланади. Трахеобронхиал дарахтнинг склерозловчи ўзгаришлари кўпинча термо-шикастланишларининг натижасидир [136; 396-401-б.]. Иккиламчи пневмония - бу куйиш касаллигининг асоратидир; уларнинг ривожланиши мажбурий де қараш керак эмас. Уларнинг пайдо бўлиши эҳтимоли қанчалик катта бўлса, куйиш жароҳати шунчалик оғир бўлади. Кўпинча улар касалхонада инфекциядан келиб чиқади. Чекланган куйишлар билан улар жабрланганларнинг 1,5 фоизида, терининг 15 фоиздан кўпроғида чуқур куйиш билан, беморларнинг 40 фоизида пневмония кузатилади [82; 470-б., 94; 607-613-б., 113; 5-18-б.]

Овқат ҳазм қилиш тизимининг ўзгариши. Термик куйиш ошқозон-ичак тракти ҳаракатининг пасайиши билан тавсифланади, бу унинг ичак тутилишининг парез ёки фалажгача пасайиши билан намоён бўлади. Термик куйишдан жабрланганлар кўпинча ошқозон ва ичакларда эрозив ўзгаришларга учрайдилар (17-35%). Ҳозирги вақтда стрессли ошқозон яраси ва ичакнинг пастки қисмларида шаклланиш кам учрайди ва улардан ўтқир қон кетиш камроқ тарқалган бўлиб, бу зарбага қарши терапия самарадорлигини ошириш, эрта сунъий энтерал овқатланишни жорий этиш

ва гистамин блокерларидан фойдаланиш билан изоҳланади [107, 129; 155-166-б.]. Жигарнинг куйиш касаллиги билан зарарланиши хилма-хил. Реактив гепатопатия трансаминаза фаоллигининг (3-5 марта) ўртача даражада ошиши, ўртача холестаэнинг белгилари билан тавсифланади. Аммо жигарнинг барча функциялари сақланиб қолган. Жигарнинг куйиш касаллигида шикастланишининг олдини олишда инсулин қўлланилиши ижобий натижага эга [120; 516-522-б.]

§1.2. Ўстирилган аллофибробластларнинг термик куйишда қўлланилиши

Замонавий комбустологияда кўплаб мутахассислар хужайравий усулларни қўллашни маъқул кўришмоқда [2; 261-262-б.]. Комбустологияга инновацион ёндошув, даволашда наноэмульсияларни қўллаш куйиш касаллигида юзага келадиган инфекцион асоратларнинг камайишига сабаб бўлади [110; 499-509-б.]. Камбустология муаммоларидан бири аутодермопластика ёрдамида куйиш ярасини ёпишда донор ресурсларнинг етишмаслигининг катта қийинчилик туғдиришидир [6; 41-45-б.].

Кейинги ўн йил ичида куйиш касаллигини ўрганувчи дунёнинг етакчи марказларининг маълумотиغا кўра, куйганлар сонининг камайиши ва шу билан бирга, кенг ва чуқур куйишлар билан қурбонлар сонининг кўпайиши кузатилди. [152; 849-873-б.]. Куйиш марказларида касалхонага ётқизилганларнинг 60-80% ида термик куйишлар қайд этилган, бунга, асосан жароҳатларнинг оғирлигини ва оқибатини билиш мумкин. Анъанавий нейроектомия ва аутодермотрансплантациялар билан бир қаторда, куйганларнинг жарроҳлик усули билан даволашда тобора кўпроқ аллоген фибробластлар трансплантацияси қўлланилмоқда [2; 261-262-б., 70; 22-23-б., 14; 229-232-б.]. Фибробластлар шикастланган терини репарация қилувчи, кератиноцитлар ўсишини стимулловчи, хужайрадан ташқари матрикс шаклланишида қатнашувчи организмнинг асосий секретор хужайралари ҳисобланади [71; 43-46-б.]. Фибробластлар бажарадиган функцияси ва

жойлашувига кўра, ўзидан проколлаген, фибронектин, гликозаминогликанлар, проэластин, нидоген, ламинин, хондроитин - 4-сульфат, тинасцин ишлаб чиқариши мумкин [93; 46-51., 160; 1149-1155-б.].

Коллаген ва эластин тўқиманинг толали каркасини шаклантиради. Глюкозамингликанлар ва фибронектин хужайра ораси матриксини ташкил қилади. Фибронектин тўқимада хужайраларни адгезияси, ҳаракати ва дифференцировкасига жавоб беради. Фибробластлар тери базал мембранаси шаклланишида иштирок этишади. I ва III тип коллаген синтез қилади. Кератиноцитлар ўсишини стимул қилади. Булар коллаген IV ва VII типлар, ламинин 5, перликан синтез қилади [14; 229-232-б.]. Кератиноцитлар культурал муҳитда юпқа эпидермал парда ҳосил қилиши мумкин, лекин дарҳол апоптозга учрайди [127; 29-35-б.]. Фибробластлар кератиноцитлар пролиферациясини стимуллашдан ташқари, тери барча қаватларинг шаклланишига ёрдам беради [134; 2101-2109-б.]. Бу хужайралар аутокрин ва паракрин эффективликка эга. Бундан ташқари, фибробластлар гетероген хужайравий популяцияга эга. Фибробластлар жароҳат битиши ва эпителизациясида асосий ўрин тутади [33; 126-127-б., 56; 566-570-б.]. Жароҳат битишида яллиғланиш, грануляция, эпителизация фазалари фарқланади. Тўлиқ бўлмаган эпителизацияда чандиқ пайдо бўлади [130; 93-103-б.], Хужайра технологиялари яра нуқсонини вақтинча ёпиш ва аутодермотрансплантацияси учун яраларни қоплаш мустақил усул сифатида қўлланилади [2; 32-38-б., 4; 28-б., 6; 41-45-б., 8; 20-21-б., 51; 96-112-б.].

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида ўлим даражаси юқори (60-70%) бўлган фавқулодда ҳолатлар орасида беморларнинг асосий таркиби ва ишга яроқлилиқ қобилияти йўқолишида, куйиш жароҳати асосийлардан ҳисобланади. Шунинг учун, комбустологиянинг муҳим муаммоларидан бири танаси 15-20% дан ортиқ куйган беморларни даволашда самарали усулларни излашдир, бунда бемор терисининг етишмовчилиги аутодермопластикани қийинлаштиради. Шу билан бирга, кенг жароҳат юзасининг узок вақт давомида мавжудлиги оксиллар, электролитлар, сув, иссиқликнинг кўп

йўқотилишига олиб келади, инфекциянинг кириб боришига ёрдам беради ва охир-оқибат бу кўп аъзоларнинг етишмовчилиги, сепсис пайдо бўлишига сабаб бўлади [25; 22-31-б., 114; 344-354-б.].

Куйган яраларни даволаш ва аутотерининг қайта намуна олиш имконияти юзага келганда, очик жароҳатлар учун биологик қопламалар қўлланилади (алло-тери, ксено-тери, амнион қоплами ёки полимерик табиий ва синтетик қоплама). Донорларнинг етишмаслиги муаммосига яна бир ечим - замонавий биотехнологик усуллар ҳисобланади, булар – ўстирилган тери ўрнини босадиган қопламалардир (фибробластлар, кератиноцитлар) [6; 41-45-б., 7; 60-65-б.]. Истиқболли илмий йўналишлардан бири ўстирилган тери хужайралари ва тери ўрнини босувчи воситаларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш ҳисобланади [60; 7-10-б., 76; 194-195-б.]. Ўстирилган эпителиал қопламаларни қўллаш ижобий натижа беради, аммо узок вақт (3 ҳафта) талаб қилиши ва куйган жароҳат соҳасининг инфицирланиши, тери ўрнини босувчилар эффективлигини пасайтиради [78; 22-23-б.].

